

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 6/S  
**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/6 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

## **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Мамаражабов Бобир Нормўмин ўғли*

САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ  
АССИМИЛЯЦИЯ ВА ЙЎҚОТИЛГАН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК .....8-17

*Хайдаров Абдулходи Ахмадали ўғли*

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БОҒДОРЧИЛИК ВА  
ТОМОРҚАЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ..... 18-22

*Назаров Азизбек Ёқубжонович*

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАР: ТАРИХШУНОСЛИК  
ТАҲЛИЛИ ..... 23-31

*Abdulloyev Jamshed Izzatulloevich*

MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARIDA CHEGARA VA SUV MUAMMOLARINING VUJUDGA  
KELISH ASPEKTLARI VA BUGUNGI RIVOJLANISH BOSQICHI ..... 32-36

*Пасилов Баҳодир Абдуллаевич*

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАРИ (1917-1937 йй.) ..... 37-41

*Ismailov G'afurjon Xasanovich*

TURKIYADAGI O'ZBEK TEKKE (TAKIYA)LARIDAN BIRI "SULTONTEPA TEKKESI"  
MUSOFIRLAR UCHUN TUTGAN O'RNI ..... 42-46

*Raxmatulloev Murodjon Xikmatulloevich*

BUXORO VILOYATIDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHGA  
OID ISLOHOTLAR ..... 47-50

*Elmurodova Nilufar Baxtiyorovna*

SHARQ VA G'ARB UYG'ONISH DAVRI MADANIYATI: QIYOSIY TAHLIL ..... 51-55

*Нафиддинова Хосият Равшановна*

БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР  
МАЪЛУМОТЛАР ..... 56-60

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Zhang Hongzhi, Wu Bo*

RUMOR RESILIENCE: HOW BUSINESSES ECONOMICALLY RESPOND TO STOCHASTIC RUMOR  
SPREAD ..... 61-66

*Ibrayimova Dilnoza Abdisheripovna*

MINTAQADA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ONLINE SAVDO MARKETINGINI  
RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 67-72

*Nayimov Shoxruh*

PROBLEMS OF FORMATION AND MANAGEMENT OF COLLATERAL PORTFOLIO OF A  
COMMERCIAL BANK ..... 73-79

*Maxkamov Navruzjon Tuxtamishovich*  
ISSUES OF APPLICATION OF QUALITY MANAGEMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC  
DEVELOPMENT OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS FOR THE PURPOSES OF THE  
DEVELOPMENT STRATEGY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ..... 80-88

*Рахматуллаев Беҳзод Рахматуллаевич*  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР  
МАСАЛАЛАРИ ..... 89-95

*Abdullayeva Zamira Muxtarovna*  
МЕХНАТ ВОЗОРИ ТАЛАБЛАРИГА ОЛИЙ ТА’ЛИМ ХИЗМАТЛАРИ МОДЕЛЛАРИНИ  
МОСЛАШТИРИШ ..... 96-102

*Имомов Холмурод Норқулович, Шарипов Тўлқин Саидахмедович*  
ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШИШИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ  
ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ ..... 103-114

*Эргашев Ахмаджон Махмуджон ўғли*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ РИСКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА  
БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 115-122

#### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Imotova Nozimaxon Avazxonovna*  
JAMIYAT FAROVONLIGI TUSHUNCHASI VA UNING O’ZIGA XOS IJTIMOY-FALSAFIY  
XUSUSIYATLARI ..... 123-129

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*  
ABULQOSIM QUSHAYRIY VA UNING ILMIY FAOLIYATI ..... 130-133

*Jabborova Saodat Sattorovna*  
SHARQ MUTAFAKKIRLARINING MA’NAVIY SALOHİYATNI YUKSALTIRISHDA QO’SHGAN  
HISSASI ..... 134-142

#### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Tuxtasinova Mahliyoхon Shavkatjon qizi*  
L.Z.BUDAGOV LUG’ATIDA ESKI O’ZBEKCHA SO’ZLARINING EKVIVALENTLAR YORDAMIDA  
IZOHLANISHI ..... 143-149

*Narmuratov Zayniddin Radjabovich*  
INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA TA’LIM VA ILM MAZMUNLI FRAZEMALARDA EKVIVALENTLIK  
MASALASI ..... 150-154

*Urazaliyeva Mavluda Yangiboyevna*  
UZBEKCORPUS.UZ PLATORMASIDA MORFOLOGIK TAHLIL INTERFEYSI VA DASTURIY  
TA’MINOTI ..... 155-160

*Mirzayeva Yelena Sa’dullaevna*  
O’ZBEK MENTALITETI VA AXBOROTNI IDROK ETISH ..... 161-166

*Alimjanova Shohsanam Azamat qizi*  
INGLIZ TILIDAGI KO’P MA’NOLI IBORALARNI O’ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH

USULLARI .....	167-171
<i>Iskandarova Shamsiyabonu Ulug'jonovna</i> BADIIY ADABIYOTDA MUALLIF VA TARIXIY QAHRAMON O'RTASIDAGI G'OYAVIY BOG'LIQLIK MASALASI (Laila Lalaming "Mavrning hisoboti" asari tahlili asosida) .....	172-176
<i>Hamroqulova Marjona Nabijon qizi</i> "MAHBUB UL-QULUB" ASARIDAGI FRAZEMALARNING SEMANTIK-USLUBIY XUSUSIYATLARI .....	177-181

### **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Zulfikorov Sherzod Xurramovich</i> ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ .....	182-191
<i>Tallibaev Umiddjon Sherгазиевич</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИИ. ....	192-199

### **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Iminakhunova Iroda Huseynovna</i> THE MOST IMPORTANT REQUIREMENTS THAT ENSURE EFFECTIVE PEDAGOGICAL CONTROL OF STUDENTS' SELF-EDUCATIONAL ACTIVITIES .....	200-206
<i>Usmanaliev Khusniddin</i> INTERCULTURAL COMPETENCE IN THE TEACHING PROCESS OF A FOREIGN LANGUAGE .....	207-219
<i>Madaminov Uktam Ataxanovich</i> ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA FANLARNI MOBIL TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH METODIKASI .....	220-224
<i>Yuldasheva Dilfuza Qodirovna</i> TURIZM YO'NALISHI TALABALARIGA INGLIZ TILIDA SOHAVIY LEKSIKANI O'RGATISH USULLARI .....	225-229
<i>Tohirova Shohsanam Yunusovna</i> THE IMPORTANCE OF CASE TECHNOLOGY IN PRACTICAL ENGLISH CLASSES IN NON- PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS .....	230-236
<i>Nuriddinova Muyassar Muhiddinovna</i> ORGANIZING PHYSICAL EDUCATIONAL EVENTS WITH PRESCHOOL CHILDREN .....	237-242
<i>Raxmatova Mexrinovna Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI YUKSALTIRISHDA INNOVATION TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI .....	243-247
<i>Sheraliyev Odiljon</i> TALABALARNING DIGITAL KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK- PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI .....	248-254

07.00.00-Тарих фанлари

**Мамаражабов Бобир Нормўмин ўғли**  
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти катта ўқитувчиси  
[mamarajabovbobur137@gmail.com](mailto:mamarajabovbobur137@gmail.com)

### **САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ АССИМИЛЯЦИЯ ВА ЙЎҚОТИЛГАН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК**

**Аннотация.** Ушбу мақолада XX аср бошларида Ўрта Осиёда юз берган миграциянинг тарихий сабаблари, мигрантларнинг Саудия Арабистонига бориш йўли, уларга нисбатан Саудияда ҳукуматининг сиёсати, ўрта осиеликлар ҳамжамиятининг номланиши хусусан “муҳожир”, “туркистоний”, “бухорий” каби атамаларнинг этимологик таҳлили, муҳожирларнинг тил вазияти ва миллий ўзликни сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатлари ҳамда унинг натижалари ғарб манбалари асосида тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** Туркистон, Ўрта Осиё, миграция, муҳожир, Бухорийлар, диаспора, Саудия Арабистони, ўзбек, Макка, Мадина, Жидда

**Mamarajabov Babur Normumin ugli**  
Senior teacher at the Denov Institute of Entrepreneurship and Pedagogy

### **HISTORY OF UZBEK MIGRANTS IN SAUDI ARABIA: SUCCESSFUL ASSIMILATION AND LOST NATIONAL IDENTITY**

**Abstract.** In this article, the historical reasons for the migration that occurred in Central Asia at the beginning of the 20th century, the path of migrants to Saudi Arabia, the policy of the Saudi government towards them, the name of the Central Asian community, in particular, on the basis of Western sources, the etymological analysis of such terms as "Muhajir", "Turkestan", "Bukhari", the language situation of migrants and efforts to preserve national identity and its results.

**Keywords:** Turkestan, Central Asia, migration, immigrant, Bukhari, diaspora, Saudi Arabia, Uzbek, Mecca, Medina, Jeddah

**Мамараджабов Бабир Нормумин угли**  
Старший преподаватель, Денауский институт  
предпринимательства и педагогики

### **ИСТОРИЯ УЗБЕКСКИХ МИГРАНТОВ В САУДОВСКОЙ АРАВИИ: УСПЕШНАЯ АССИМИЛЯЦИЯ И ПОТЕРЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ**

**Аннотация.** В данной статье исторические причины миграции, произошедшей в Центральной Азии в начале 20 века, путь мигрантов в Саудовскую Аравию, политика саудовского правительства по отношению к ним, наименование среднеазиатской общины, в частности, на основе западных источников изучен этимологический анализ таких терминов, как «мухаджир», «туркестан», «бухари», языковая ситуация мигрантов и усилия по сохранению национальной идентичности и его результаты.



**Ключевые слова:** Туркестан, Средняя Азия, миграция, иммигрант, Бухари, диаспора, Саудовская Аравия, узбек, Мекка, Медина, Джидда

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6/SY2023N01>

**Кириш.** Саудия Арабистонида “ўзбек диаспораси”нинг вужудга келиши Совет тузумининг ноинсоний сиёсати ва мислсиз қатағонлари билан боғлиқ. Совет ҳукуматининг сиёсати ва мафқурасини қабул қилмаган ўзбеклар иккинчи ватан сифатида аввал Афғонистон, Хитой (Шарқий Туркистон) ва Эрон давлатларини танлашган. Бироқ у ерларда ҳам тинч ҳаётга эриша олмагани сабаб, иккинчи маротаба муҳожирликка юзланиб, Саудия Арабистони, Туркия, АҚШ ва Европа давлатларига тарқалиб кетишган. Бугунги кунга қадар ўрта осиеликларнинг қочқин сифатида танлаган “иккинчи ватанлари”даги тақдири, у ерларда диаспоранинг шаклланиш тарихи, интеграция ва ассимиляция муаммолари илмий адабиётларда кенг тадқиқ қилинмасдан қолмоқда. Агар биз мазкур миграция оқимининг халқаро вазиятнинг ўзига хос ўта зиддиятли ва мураккаб даврида содир бўлганлигини ҳамда нуфуз жиҳатдан катта эканлигини ҳам ҳисобга олсак мазкур мавзуни илмий нуқтайи назардан долзарб деб ҳисоблашимиз мумкин.

Архив ҳужжатларига кўра, 1909 йилда Саудия Арабистонидаги ўрта осиеликлар сони Маккада 20 мингдан зиёдни ташкил этиб, жами Макка аҳолисининг 13,3 фоизини ташкил этган (*асосан ўзбек*). Улар Маккадаги энг катта хорижий диаспора деб тан олинган. 1917 йилдаги октябрь революциясидан кейин бу рақам кескин ошиб борган. XX аср 60 йилларида уларнинг сони Шарқий Туркистондан келган уйғурлар билан қўшиб ҳисоблаганда 17 000 кишини ташкил этган, агар Миср Араб Республикасидаги Ўрта Осиеликлар ҳам қўшиб ҳисобланса уларнинг нуфузи 37 мингдан ошган.

Мазкур тадқиқотда XX аср бошларида Ўрта Осиеда юз берган миграциянинг тарихий сабаблари, мигрантларнинг Саудия Арабистонига бориш йўли, уларга нисбатан Саудияда ҳукуматининг сиёсати, ўрта осиеликлар ҳамжамиятининг номланиши хусусан “муҳожир”, “туркистоний”, “бухорий” каби атамаларнинг этимологик таҳлили, муҳожирларнинг тил вазияти ва миллий ўзликни сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатлари ҳамда унинг натижалари ғарб манбалари асосида тадқиқ қилинган.

**Мавзунинг тарихшунослиги.** Марказий Осиеда миграция ҳаракати бўйича бирқанча аҳамиятли тадқиқотлар мавжуд. Хорижлик мутахассислардан Komastu, Obiya ва Schoeberleinнинг ҳамкорликдаги тадқиқотида большевиклар тузуми даврида содир бўлган ва минтақани ўзи билан чекланган ички миграция билан боғлиқ муҳим масалалар тадқиқ қилинган[8:9]. Тожик тарихчиси Камолудин Абдуллаевнинг “Шинжондан Хуросонга қадар. Марказий Осиенинг XX асрдаги эмиграцияси тарихидан” китоби совет даврида Марказий Осиеда рўй берган эмиграция тарихини ўрганишга қаратилган илк постсовет тарихшунослиги намунаси дир[13: 572].. Профессор Шодмон Ҳайитов ҳам мазкур мавзуда биринчилар қаторида фундаментал тадқиқотлар яратган олим ҳисобланади. Унинг илмий хулосаларига кўра, совет ҳукуматининг сиёсати ва мафқурасини қабул қилмаган ўзбеклар иккинчи ватан сифатида аввал Афғонистон, Хитой (Шарқий Туркистон) ва Эрон давлатларини танлашган. Бироқ у ерларда ҳам тинч ҳаётга эриша олмагани сабаб, иккинчи маротаба муҳожирликка юзланиб, Саудия Арабистони, Туркия, АҚШ ва Европа давлатларига тарқалиб кетишган[14:].. Профессор

Рустам Шамсиддинов ҳам миграция масаласини ўзининг қатор асарларида тадқиқ қилган[15:33]. Унинг тадқиқотлари билан танишиб архив материалларига асосланган мигрантларнинг аниқ сони, йўналиши ва моддий аҳволи ҳамда талафотлари ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Саудиядаги ўзбек муҳожирларининг тарихи Вауган Валс тадқиқотларида яхши ёритилган[5: ]. У оғзаки тарих усулидан фойдаланган ҳолда иштирокчиларнинг хотиралари асосида Саудиядаги ўрта осиелик муҳожирлар тарихини яратган. Унинг суҳбатларида қатнашган “туркистонийлар” жамоаси сургун қилинганларнинг аксарияти Афғонистон орқали бошқа давлатларга ўтиб кейин Саудияга кириб келишганлиги; Инқилобдан кейин кўчиб кетишлар кучайган бўлсада, у инқилобдан аввалроқ ҳам мавжуд бўлганлиги ҳақида хотирлаган. Иқтисодий (*мажбурий коллективлаштириш*), сиёсий (*рус ҳокимиятининг ўрнатилиши*) ва ижтимоий (*диний урф-одатларнинг чекланиши*) сабабларга кўра муҳожирларнинг тўлқини кучайиб борган.

**XX аср бошида Ўрта Осиеда аҳолининг ташқи миграциясига сабаб бўлган омиллар.** Бугун Саудия Арабистонида яшаётган “туркистонийлар” ёки “бухорийлар” деб номланувчи гуруҳ бу минтақага XX аср бошларида Ўрта Осие ҳудудларидан кўчиб келган. Маълумки 1750 йиллардан бошлаб Рус империяси геосиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлаб Ўрта Осие минтақасини истило қила бошлаган. Бу даврда ушбу минтақа учта мустақил давлат (*Хива ва Кўқон хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги*) ва турли қабила конфедерацияларининг сиёсий ҳокимияти остида бирлашган эди. Мазкур давлатлар ва бирлашмалар ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан заиф, сиёсий жиҳатдан эса пароканда бўлган.

Тарихчиларнинг ёзишича, Россия Туркистонни босиб олишга иқтисодий ва стратегик сабабларга кўра интилган. Иқтисодий жиҳатдан минтақада пахтачиликни ривожлантириш, ўсиб бораётган тўқимачилик саноати эҳтиёжларини қондириш учун режалар назарда тутилган бўлса, стратегик нуқтайи назардан Ўрта Осие чегараларида шаклланган Британиянинг таъсир зонасини шимолга томон кенгайиб боришига йўл қўймаслик эди[7: 562].

Технологик қолоқлик ва қабилавий бўлиниш кучли бўлганлиги сабабли минтақада рус истилоси қийинчиликсиз амалга оширилди. 1860—1876 йилларда Туркистоннинг асосий шаҳарлари катта қаршиликларсиз босиб олинди. Россиянинг мустамлакачи кўшинларини тўхтатиш учун 1892 йилги Тошкент ва 1898 йилги Андижон кўзғолонлари етарли бўлмади[1:225]. Шу тариқа аввал мухторият шаклида қисман мустақилликни сақлаб қолган Ўрта Осиедаги сиёсий ҳокимият кейинчалик тўлиқлигича рус империясининг мустамлакасига айланиб борди.

1917 йилда Россияда содир бўлган Октябрь инқилоби Ўрта Осие халқлари тарихига ҳам катта таъсир ўтказди. Инқилоб ғояларини тарғиб қилишда минтақада кезиб юрган рус кўчманчилари ҳам фаол ҳаракат қилишган. Инқилоб бошида, асосан европалик раҳбарлар бошқарган маҳаллий инқилобий кўмиталарга мусулмон аҳолиси қабул қилинмаган бўлса, кейинчалик улар бу кўмиталарга фаол жалб қилиндики, шу орқали инқилоб ғоялари маҳаллий аҳоли орасига кенг кириб борди.

Инқилоб амалга оширилгандан сўнг партия янги сиёсий тартиб (*коммунизм ғоялари ғалаба қозониши*), иқтисодий (*ер ва чорвачиликни коллективлаштириш билан*

режали иқтисодиётни ўрнатиш) ва ижтимоий (ижтимоий тенглик – социализм қуруш) ўрнатиш йўлида кескин чоралар кўра бошлади. Бу йўлда у, анъанавий ҳуқуқий ва ижтимоий тузилмаларни бекор қилиш, маҳаллий қадриятларни ҳисобга олмаган ҳолда саводхонлик ва аёлларни озод қилиш кампаниясини (хужум) бошлади. Минглаб йирик ер эгалар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, савдогарлар, маҳаллий зиёлилар, исломий билимларни мукамал ўзлаштирган олимлар, қорилар ва анъанавий фикрловчи миллатпарварларнинг барчаси катта босим остида ўз ватанларини ташлаб кета бошлади. Бу кураш давомида айрим хориждаги муаррихлар ҳисобича, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетди[12:12]. Аҳамиятлиси шундаки, бу ислохотлар дастурини аҳолининг маълум қисми қўллаб қувватлаган. Шу тариқа муваффақиятли амалга оширилган инқилоб таъсирида Ўрта Осиё минтақасида мажбурий миграциянинг биринчи катта тўлқини содир бўлди. Шундан сўнг, XX асрнинг 30 йилларидаги Сталин қатағон сиёсати ва ушбу асрнинг 40-50 йилларида “таслимчиларга”, “антисоветларга” қарши олиб борилган сиёсат натижасида хорижга қочишнинг иккинчи тўлқини содир бўлди. Гарчи, биринчи даврга нисбатан кам бўлсада мазкур даврда ҳам юзлаб оилалар Афғонистон, Эрон, Шарқий Туркистон, Туркия ва Саудияга кўчиб кетишга муваффақ бўлган.

**Саудия Арабистонида диаспоранинг шаклланиши.** Ваурам Валс хулосаларига кўра, ўрта осиелик муҳожирларнинг Ўрта Осиёдан чиқиб кетиши икки босқичда амалга оширилди. Биринчи, 1917-1928 йиллар бу даврда қочаётганларнинг аксарияти сургун қилинган деҳқонлар ва очарчилик қурбонлари эди. Бу одамларнинг кўпчилиги Амударёнинг нариги қирғоғида вақтинчалик муҳожирликдан сўнг уйларига қайтишган[11: 182]. Иккинчи босқичда, 1928 йилдан 1939 йилгача қочқинлар, аксинча, асосан шаҳарликлар бўлиб улар иқтисодий эмас, балки мафкуравий сабабларга кўра чиқиб кетишди, чунки 1930 йилларда Сталиннинг репрессив сиёсати авж олган эди.

Қочқинлар аввал Афғонистондаги Имом Шоҳибга (Қизил Қалъа (Ширхон Бандар деб ҳам аталади)) етиб келиб, кейин Каттағон вилоятининг маркази Хонободга жойлашганлар. Афғонистоннинг турли шаҳарларида тарқалиб кетганига қарамай, қочқинлар ўзаро алоқани сақлаб қолган.

Саудия Арабистони ўрта осиелик мигрантлар учун биринчи манзил бўлмаган, буни икки минтақа ўртасида умумий чегараларнинг йўқлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Юқорида айтилганидек ўрта осиеликлар дастлаб Афғонистонга ёки Хитой Туркистонига қочиб ўтишган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Афғонистондан бир неча йил бўлган бу қочқинларнинг бир қисми Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочқинлар бўйича Олий қўмитасининг Туркия ва Миср ҳукумати билан узоқ музокараларидан сўнг Туркия ёки Мисрда яшаш ҳуқуқини қўлга киритди. Афғонистонда қолган қочқинлар Қундуз ва Мозори Шариф вилоятларида доимий яшашни бошлашган уларнинг катта қисми Фарғона водийсидан келган ўзбеклар бўлиб йиллар давомида маҳаллий ўзбеклар сафига сингиб кетган. Ўзбек қочқинларининг айрим гуруҳлари 1940 йилларнинг бошидан Афғонистон шаҳарларидан Пешовар ва Карачи шаҳарларига яна бир бор чиқиб кетишга мажбур қилинади. Уларнинг катта қисми Карачидан чиқиб Маккага йўл олишади, Маккадан олдин улар Ҳадрамоут ёки Жидда шаҳрига етиб олишган.

Ўрта Осиёлик қочқинлар учун Макка ва Мадина шаҳарлари нафақат муносиб ҳаёт кечириш учун бир замин сифатида балки ислом динининг муқаддас шаҳарлари бўлганлиги учун ҳам жозибали эди. Ҳозирда Саудияда бўлган муҳожир туркистонийларнинг фарзандлари хотирлашича улар Афғонистон, Покистон, Хитой Туркистонидида муҳожирликда бўлганларида нима бўлганда ҳам Маккага етиб олишни ва ўша ерда ўлишни ният қилишган. Чунки пайғамбар алайҳиссаломга яқинроқ бўлишни ўзлари учун шараф деб билишган. *“Менинг бобом Макка шаҳрида Масжид Ал-Ҳарам яқинидаги уйда 93 ёшида вафот этди. Унда умрининг сўнги йилларини ота ватани Фарғона водийсида яшаш имкони бор эди. Бироқ у Маккани танлади. Пайғамбаримиз с.а.в.га қўшни бўлиб яшашни шараф деб билди ва шу ерда ўлишни орзу қилган эди. Мен ҳам Маккада, маккалик бўлиб яшашни шараф деб билман”* – деди тадқиқотчи Ш.Икромов билан суҳбатда, асли фарғоналикларнинг учинчи авлоди бўлмиш Аҳмад Мулла.

Шу тариқа XX асрнинг биринчи ярмида Саудия Арабистонида Ўрта Осиёликларнинг катта жамоаси шаклланди.

**Муҳожирлар, Бухорийлар ва Туркистонийлар: Ўрта Осиёликларнинг Саудияда кутиб олиниши.** Назарий жиҳатдан, қочқинлар жамоаси учун ўз ресурсларини сақлаб қолиш ва уни максимал даражада ошириш, вазиятни яхшилаш ва олдиндаги тўсиқларни енгиб ўтиш ва энг асосийси миллий ўзликни сақлаб қолиш учун қандай стратегияни қўллаш лозимлиги ҳақидаги савол ҳар доим муҳим бўлган. Ўзбекларда бу стратегия бошданоқ мавжуд бўлиб улар ўз ҳудудларини тарк этиб янги ҳудудга бориб жойлашиши билан ўзларининг исм шарифларига ўша ўзлари келган ҳудуд номини қўшиб олишган. Водийдан келганлар ўзларини умумий ном билан фарғоний ёки янада аниқлаштириб қўқоний (*Қўқон шаҳридан*), косоний (*Косон шаҳридан*), андижоний (*Андижон шаҳри ва ҳудудларидан*) деб аташган. Водий ўзбекларининг катта қисми этник ўзбеклар бўлсада, улар ўзбек деган умумий номни қўлламаган. Бу балки улар ўзларининг тарихий ватанларидан чиқиб кетган вақтда ўзбек атамасининг кенг қўлланилмаганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу тариқа ўрта осиелик қочқинлар Саудия Арабистони ҳудудида икки ном билан номланган.

**Муҳожирлар** – бу атаманинг маъноси арабча илдизи ҳ-ж-р (кўплиги *муҳажирун*) кўчишдир. Ғарб тилларида кўпинча эмигрант ёки иммигрант ва ҳатто қочқин сифатида таржима қилинади. Мусулмон дунёсида, шу жумладан Саудия Арабистонда кучли рамзий маънога эга. Бу, авваламбор, Муҳаммад пайғамбар ва унинг биринчи саҳобаларига, янги эътиқодида таъқибга учраганларида, Маккани тарк этиб Мадинага жойлашишда ҳамроҳлик қилганларга нисбатан ишлатилган.

Кенгайтирилган ҳолда, мазкур атама узоқ вақтдан бери ўз эътиқодида таъқибга учраган ва мусулмон бўлмаган тартиб остида яшашга маҳкум бўлган, ўзининг диний ўзига хослигини яхшироқ ҳимоя қилиш учун сургунни танлаган ҳар қандай мусулмон аҳолини ёки ҳар қандай мусулмон гуруҳини белгилайди. Мусулмонлар кўпчиликни ташкил қилувчи давлатларда муҳожир сифатида ўзларини тақдим қилиш қайсидир даражада уларга нисбатан енгилликларнинг кафолати ҳисобланган. Бошқача қилиб айтганда, у мурожаат қилган гуруҳга обрў ва эътироф келтирадиган олижаноб атамдир. Натижада ўрта осиелик қочқинлар Макка йўлида уларни кутаётган кўплаб қийинчиликлардан ўзларини ҳимоялаш учун мунтазам равишда ўзларини муҳожир сифатида кўрсатдилар. Манбаларда ёзилишича ўрта осиелик муҳожирларнинг баъзилар

Афғонистон ёки Покистонда беш йил, ўн йил, ҳатто ундан ҳам кўпроқ Арабистон ярим оролига кетишни кутишган, умрининг сўнгги кунларида, хасталанган ҳолда Макка ва Мадинага келиб шу ерда вафот этиб, мусулмонлар тарихидаги биринчи муҳожир қабрига дафн қилинган.

**Бухорийлар** — Ўрта Осиёлик қочқинларга обрў ва эътироф бериши мумкин бўлган яна бир жиҳат уларнинг ҳадис илмининг султони Исмоил ал-Бухорийнинг ватандошлари эканлиги эди. Минтақа қочқинлари бундан унумли фойдаланишган, зотан Исмоил ал-Бухорий Саудия Арабистони ва бутун мусулмон дунёсида эъзозланадиган уламолардан бири эди. Шу сабабдан улар ўзларини маҳаллий аҳоли ва маҳаллий ҳокимликларга “бухорийлар” деб танитишар эди. Исмоил ал-Бухорий билан бирга Бухоро шахрининг ислом оламидаги нуфуздан ҳам кенг фойдаланилган. Бу шаҳар ҳақиқатан ҳам мусулмон олами учун энг қадимий ва нуфузли илоҳиёт марказларидан биридир. Ибн Сино каби ислом цивилизациясининг буюк алломалари ҳам бухоролик бўлган.

Муҳожирлар кўпинча машаққатли сафар якунида ўзлари ўтирган қайиқда ҳозирги Яман қирғоқларига ёки Жидда портига етиб келар эди. Қочқинларни кўпинча улардан аввалроқ келиб жойлашган юртдошлари кутиб олиб уларга ёрдам кўрсатишган. Ўрта осийлик муҳожирлар Саудия Арабистонининг учта муҳим шаҳри: Макка, Мадина ва Жиддада нотекис жойлашди. Бу муҳожирларнинг аниқ сонини белгилаш жуда қийин, чунки жуда кам сонли рақамлар мавжуд ва ундан ҳам озроқлари ишончли. Британия ёки Америка консуллик хизматлари томонидан ўз пойтахтларига дипломатик жўнатмалар жўнатган архивлар аниқлигини текшириш қийин бўлган баъзи тахминларни беради. Шундай қилиб, Америка элчихонаси томонидан юборилган 1953-йил 31 мартдаги жўнатмада туркистонликлар сони 17 000 кишини ташкил этади, бу рақам икки Туркистон жамоалари, Хитой ва Совет Иттифоқини ўз ичига олади. Араб манбаларининг кўрсатишича эса, 1909 йилда бухорийлар сони Маккада 20 мингдан зиёдни ташкил этиб, жами Макка аҳолисининг 13,3 фоизини ташкил этган. Улар Маккадаги энг катта хорижий диаспора деб тан олинган. 1917 йилдаги октябрь революциясидан кейин бу рақам кескин ошиб борган. Архив ҳужжатларининг маълумотича, XX аср 60 йилларида Саудия Арабистони ва Миср Араб Республикасида 37 минг сонли туркистонликлар яшаган. Америка элчихонаси томонидан юборилган ҳужжатга кўра, туркистонликларнинг кўпчилиги Макка-Жидда чегарасида истиқомат қилиб, у ерда умумий овқатланиш, пойабзалчилик, нон пишириш ва бадавлат кишилар учун майда савдо-сотиқ билан шуғулланади. Ўрта осийликларнинг Саудия Арабистонига миграцияси классик мантиққа амал қилган унга кўра, аввал бир оиланинг бир ёки бир нечта аъзолари Арабистонга келган, кейин аста-секин оиланинг бошқа аъзолари, баъзан узоқ қариндошлар ҳам уларга қўшилган. Баъзида оилани бутунлай бирлаштириш учун бир неча йил керак бўлган. Муҳожирларнинг сони ортиши билан Саудия Арабистони шаҳарлари чеккасида “Туркистон маҳалласи” пайдо бўлган, бу тарзда кенгайиб боришга уруғ-қабилачилик анъаналарига қатъий амал қилувчи Саудия Қироллиги ҳукумати аралашмаган.

Саудия қироллик оиласининг муҳожирлар келишига муносабати ўзига хос. Ўрта осийликлар муқаддас шаҳарларга келган 1930-1940 йиллар оралиғидаги даврда Арабистон катта бўш чўл ва пайдо бўлиши бир неча ўн йилликларни қамраб олган ёш

давлат эди. Абдулазиз Ибн Абдурахмон ал Сауд янги ташкил топаётган давлат равнақи учун ўта консерватив қарашлардан бироз чекинган. Камида иккита сабаб билан Саудия ҳукумати ўз заминига келган Туркистон жамоасини яхши кутиб олган.

**Биринчи,** Саудия етакчилари Туркистонликларнинг “аҳоли тўплаш” ва бунёдкорлик қобилиятини дарров сезган. Улкан бироқ аҳолиси жуда кам бўлган Саудия Арабистони бу меҳнаткаш аҳоли томонидан ерларни тез эгалланиши ва уларга ишлов берилишига ишонган. Туркистонликлар ҳам тез орада ўзларининг интилиши ва шижоати билан муқаддас шаҳарларда ўз ўрнини топди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, бу даврда Саудияда ҳали нефть саноати ишга тушмаган, нефть сотишдан келаётган даромад ҳам тўлиқлигича мамлакат ғазнасига келмас эди. шу сабабли майда ишлаб чиқариш, савдо сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳаларини муваффақиятли ўзлаштирган туркистонликлар мамлакат учун фойдали эди.

Бундай яхши қабул қилишнинг **иккинчи сабаби** кўпроқ сиёсий ва халқаро характерга эга эди. Ёш Саудия қироллиги ўзининг қонунийлигини кўп жиҳатдан муқаддас жойларни сақлаш ва шу билан бирга дунёдаги мусулмон эътиқодини ҳимоя қилиш чақириғи билан асослаётган эди. Шу ғояни амалда кўрсатиш учун Саудия Арабистони қироли “икки муқаддас масжид кўриқчиси” деган шарафли унвони ҳам ўз номига қўшиб айтишни жорий қилган. Қочқинларни илиқ кутиб олиш орқали Саудия ўзининг диний етакчилиikka бўлган даъволарини ҳурмат қилишга даъват этилган бутун мусулмон оламига ўзига хос тақдироти эди. Қолаверса, Совуқ уруш даврида Ғарб лагерига мустаҳкам ўрнашиб олган Саудия режими аллақачон АҚШнинг содиқ иттифоқчиси бўлиб коммунизмга қарши салиб юришида ўзига хос тарзда иштирок этаётган эди.

Саудия қироллиги Ўрта Осиёликларга очиклик ва хайрихоҳликни намоён қилган бўлсада, бироқ бу муносабат тўлиқ эркинлик ва интеграция учун кенг имкониятлар бериш даражасига чиқмаган. Тил, маданият ва таълим масалаларида имконият бериш муҳокама ҳам қилинмаган. Миллий тил курсларига рухсат берилмаган, этник, маданий, сиёсий ёки бошқа турдаги бирлашмаларни ташкил қилишга ҳам рухсат берилмаган. Бундай таъиылар аслида Саудия миллий қонунчилигида ҳам назарда тутилади. Унга кўра, мамлакат ҳудудида турли ижтимоий сиёсий ташкилотларни ташкил қилиш тақиқланади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, муҳожирларнинг ўзлари ҳам ўз она тилларида хусусан ўзбек тилида мактаблар ташкил этишни деярли талаб қилмаган. Улар ваҳий ва Қуръон тили бўлган араб тилини ҳаддан ортиқ муқаддаслаштириб бу тилни ўрганишга катта иштиёқ билдирган. Ва бу йўлда ўз тилларини қурбон қилишган. Худди шу муносабат билан ўрта осиелик муҳожирлар ўз она тилида таълим олиш ҳуқуқини ҳам талаб қилмаган. Бу ҳуқуқ аслида фақат бухорийларга эмас балки уйғурларга ҳам ҳинд-покистон ҳамжамияти вакилларига ҳам берилмаган. Бироқ уйғурлар ва борлигига мутлақо аҳамият берилмайдиган ҳинд-покистон ҳамжамияти вакилларига нисбатан бухорийларни ҳуқуқ ва имкониятлари кенгроқ эди. Шу билан бирга бухорийларнинг интизомли эканлиги, қонун қоидаларга қатъий риоя қилиши ва тадбиркорлиги каби хислатлари қироллик хонадонининг алоҳида эътибор ва ҳурматига сабаб бўлган эди.

Муҳожирларнинг кекса авлод вакиллари хотираларига кўра, улар Саудия қироллик хонадони ва халқининг меҳмондўстлиги ҳамда саховатпешалигини доимо

мамнуният билан эслайди. Мамлакатнинг кейинги тараққиётида яманлик ва мисрлик ишчиларнинг катта оқимининг келиши ҳам бухорийларга нисбатан муносабатни ўзгартирмаган, бухорийлардан бошқа ҳеч бир гуруҳ уларга кўрсатилган эътиборга эга бўлмаган.

**Ўзбек миллий идентиклигини йўқотилиши.** Ватанни тарк этган ҳар қандай гуруҳ сингари, ўзбек ҳамжамияти ҳам дастлаб ёпиқ шаклда яшаб, миллий ўзига хос хусусиятларини билвосита сақлаб қолди. Тил, урф-одатлар, кийим-кечак каби муҳим белгилар муҳожирликнинг биринчи даврларида яхши сақланган. Бунда, бутун дунё амалиётида бўлгани сингари, ўрта осийлик муҳожирларнинг ҳам дастлабки даврда моноэтник туманларда яшаганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Улар ўз маҳаллаларини ташкил қилиб ўз она юртидагидек яшашни давом эттирди: ижтимоий амалиётлар (*байрамлар, тўйлар*) тарихий ватанлари намунасида амалга оширилди. Ўзбеклар ва араблар ўртасидаги никоҳлар камдан-кам содир бўлди. Янги келган жамоа дастлабки даврларда кўп жиҳатдан ўзларининг маҳаллий раҳбарлари томонидан қаттиқ назорат қилиниб, ватан хотирасини жамоа хотирасида сақлаб қолиш учун бор кучини сарфлаган.

Назорат қанчалик кучли бўлмасин, катта авлод вакиллари қанчалик ҳаракат қилмасин миллий ўзликни сақлаб қолиш бўйича кўраётган барча эҳтиёт чораларига қарамай, иккинчи авлод жамият ва мамлакат иқтисодиётига интеграциялашган ҳолда, секинлик билан бўлсада миллий идентификацияни сусайтиришни бошладилар. Миллий идентификацияни сусайтириш деганда биз Саудия Арабистонидаги араб-ислом ўзига хослигига қоришиб ўзбекнинг ўзига хос миллий онгини йўқ бўлиб боришини назарда тутмоқдамиз. Аслида қачон бошқа давлатда яшаётган ёд этник гуруҳлар миллий идентификациясини сақлаб қолиши мумкин? Қачонки, у ўзи келиб чиққан мамлакат билан алоқаларни сақлаб қолган бўлса, уни қабул қилувчи мамлакат ҳам унинг тил ва маданиятини сақлаб қолиши имкониятини берган бўлса. Биз Саудиядаги ўзбеклар мисолида юқоридаги ҳар икки масала ҳам ҳал қилинмаганлигини кўришимиз мумкин. Қуйида биз ҳар икки масалани ҳам қисқа таҳлил қилиб кўрамиз.

Саудиядаги миллий қонунчиликка кўра бухорийларнинг миллий уюшмалари ташкил қилинмади, Туркистон бирлашмасини ташкил қилишга бўлган уринишлар ҳам самарасиз яқунланди. Юқорида айтилганидек она тилида таълим имкониятлари ҳам ҳар икки тарафнинг ташаббуси билан муҳокама қилинмади. Натижада, иккинчи авлод муҳожирлари дастлаб араблаштирилган ўзбек тилини қўллаган бўлсада, кейинги даврда араб тилига қўшиб ишлатиладиган айрим туркий сўзларгина қолди [10:75-102].

Бирлашиш учун имкониятлар яратилмаганлиги Саудия Арабистонидаги бошқа, араб бўлмаган этник гуруҳлар, сингари ўзбекларни ҳам маданий ўзига хослигини сақлаш имкониятидан маҳрум қилди. Изланишларимиз натижасида бизга шу маълумки, айни пайтда Туркияда яшовчи ўзбекларнинг ўзбек ва туркий тилларида ўз уюшмалари ва нашрлари бўлган [6: 59-180]. Шунингдек улар Туркияда вақф мулклари ташкил қилган, масжидлар ва бошқа ижтимоий маданий ташкилотларни ташкил қилиш имкониятидан фойдаланган. Саудиядаги бухорийлар ҳам Макка ёки Мадина шаҳарлари чеккасида баъзи маҳалла масжидларини Туркистон номи билан атаган бўлсада, аммо бу масжидларни маҳаллий саудияликлар ташкил қилган масжидлардан бирор фарқи бўлмаган ва бу масжидларда асосан бухорийлар тўпланган деб ҳам бўлмади. кекса

авлод вакиллари хотирасига кўра, Ал-Бухорий номи билан аталган бу сингари масжидларга яманийлар ҳам, мисрийлар ҳам, покистонликлар ҳам, саудийлар ҳам кириб ибодат қилаверган. Шу тариқа миллий ўзликни, миллий жамоани сақлаш имконини берувчи воситалардан бир масжидлар имкониятидан ҳам ўрта осиелик муҳожирлар фойдаланишмаган.

Ниҳоят, тарихий ватанлари билан алоқада бўлишнинг мутлақо мумкин эмаслиги ҳам миллий ўзига хослик ва миллий онгининг сақлаб қолинишига тўсиқ бўлди. Саудиядаги ҳаётнинг дастлабки йилларида муҳожирлар мутлақ қайтиб кетишни эмас балки она ватанлари билан алоқа ўрнатиш ва у ерларга сафар қилиш умидини узмаган бўлса кейинчалик СССРнинг тўлиқ ёпиқ давлат сифатида ўзини кўрсатиши, хусусан, капиталистик давлатларни душман сифатида кўриши, “совуқ уруш” йилларида ғарб блогида мустақкам ўрнашган Саудия билан алоқаларни чеклаганлиги бу умидни сўндирган эди. тадқиқотчи Ш.Икромов кекса авлод хотираларидан уларнинг тарихий ватан ҳақидаги муносабатини шундай ёзган *“Муҳожирликнинг биринчи йилларида ҳам одамлар она ватанга қайтиши мумкинлигига ишонишган. Аммо бир қанча социалистик республикаларга бўлиб кетган Туркистонда совет ҳокимиятининг босқичма-босқич мустақкамланиши билан бутун жамоада умид аста-секин ўз ўрнини пессимизмга бўшатиб берди, чунки улар Саудия Арабистони аҳолисига мутлақ ассимиляция қилиши муқаррар эканига амин бўлган.»* Бу ҳам тарихий ватан билан алоқларни тиклаш имконияти йўқлигининг бир сабаби шу билан бирга биз юқорида эслатганимиздек Макка ва Мадина шаҳарларининг ўта муқаддаслаштирилиши, Пайғамбар алайҳиссалом ва саҳобалар билан бир заминда бўлиш каби ўта мифологик қарашлар ҳам муҳожирларнинг тарихий ватанга интилишларини чеклаган.

Миллий идентификацияни сақлаб қолиш йўлидаги озми-кўп ҳаракатлар самарасиз бўлиб чиқди, Саудиядаги ўзбек жамияти XX аср 80 йилларининг охирида ўз тилини, миллий илдизларини унутиш жараёнида эди. Шунга қарамай, у ҳали ҳам бир ҳовуч кекса ўзбек зиёлилари томонидан сақланиб қолинган эди. Хусусан, ижтимоий нуқтайи назардан *(миллий таомлар ва ошхона маданиятининг айрим белгилари)*. Миллий маданиятнинг бу сингари айрим белгиларининг сақланиб қолишига сабаби ташқи дунё билан кам боғланган аёллар эди.

XX асрнинг 80 йиллари охирида халқаро вазиятдаги ўзгаришлар натижасида Ўрта Осиёда мустақил давлатлар, хусусан, мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил топди. Саудияда яшаётган бухорийларда тарихий ватан билан алоқаларни тиклаш имконияти пайдо бўлди. Кекса авлод бухорийлар бу имкониятдан саёҳат йўлидагина фойдаланди холос.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, Саудия Арабистонидаги ўрта осиелик муҳожирлар аллақачон кучли ассимиляцияга юзланган ва бунинг натижасида миллий идентиклик юқолиб бориш арафасида. Сўнгги йилларда Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўртасида фаол маданий гуманитар ва савдо иқтисодий муносабатларнинг йўлига қўйилганлиги Саудиядаги “бухорийларни” ўз тарихий ватанлари билан боғлаётган бўлсада бироқ бу ҳали юқори даражада эмас. Қолаверса ҳозирда Саудияда яшаётган бухорийлар XX аср бошларида келган муҳожирларнинг учинчи авлодлари бўлиб улар ватан сифатида Саудия Арабистонини билишади.



**Адабиётлар/Литература/References:**

1. Anderson John (1997) *The International Politics of Central Asia*, Manchester, New York, Manchester University Press.
2. Akiner Shirin (1994) *Formation of the Kazakh Identity*, London, Royal Institute of International Affairs, 84 p.
3. Algar Hamit (2002) *Wahhabism*, Oneonta, New York.
4. Al Rasheed Madawi (2002) *A History of Saudi Arabia*, Cambridge, Cambridge University Press, 255 p.
5. Bayram Balç, *The Uzbek Community in Saudi Arabia between Assimilation and Renewed identity*//<https://journals.openedition.org>
6. Bezanis Lowell (1994) *Soviet Muslim Emigrés in the Republic of Turkey*, *Central Asian Survey*, Vol. 13, № 1.
7. Hopkirk Peter (1990) *The Great Game, On Secret Service in High Asia*, Oxford, Oxford University Press, 562 p.
8. Komatsu Hisao, Chika OBIYA & John SCHOEBERLEIN Ed. (2000), *Migration in Central Asia: Its History and Current Problems*, JCAS Symposium Series 9, The Japan Center For Area Studies, Osaka.
9. Jarring Gunnar (1935) *The classification of Turk tribes in Afghanistan*, *Lund Universitets Arsskrift*, Vol. 35, n° 4, pp. 3-104.
10. Landau Jacob (1986) *Diaspora and Language*, in Gabriel Sheffer (ed.), *Modern Diasporas in International Politics*, London, Sydney, Croom Helm.
11. Shalinsky Audrey C. (1994) *Long Years of Exile. Central Asian Refugees in Afghanistan and Pakistan*, Lanham, New York, London, University Press of America, 182 p.
12. Shamsutdinov, Rustambek. *Repressive Policy of the Soviet Power in Uzbekistan and Its Consequences: (Book I) R.Shamsutdinov: International Chatitable Fund of the Scientific Practical Expedition «Meros», Andixhan State University nabeled after Zahiriddin Muxammad Babur: com Xasanov B.V. – T.: «Sharq», 2012. P 12.*
13. Камолудин Абдуллаев. *От Синьцзяна до Хорасана. Из истории среднеазиатской эмиграции XX века*. Душанбе: “ИРФОН”, 2009. 572 с
14. Ҳайитов Ш.А. *XX аср ўзбек муҳожирлиги тарихи. т.ф.д. даражасини олиш учун ёзилган диссертация*. Тошкент, 2009.
15. Шамсутдинов Р. *“Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун Ўрта Осиё республикалари мисолида*. Тошкент, Шарқ 2003. 33 бет.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 5/6 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).